

**ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН ИҚТИСОДИЁТИ ЯНГИ ЙЎЛДАН
ҚАНДАЙ КЕТМОҚДА**

Мамаюнус Қаршибаевич Пардаев

Мурод Муҳаммедович Муҳаммедов

*Самарқанд иқтисодиёт ва сервис институти профессорлари,
иқтисодиёт фанлари докторлари*

Темур Олимович Мамаюнусов

*ТДИУ Самарқанд филиали Таълим сифатини назорат қилиш бош
мутахассиси*

***Аннотация:** мақолада Янги Ўзбекистон иқтисодиёти янги йўлдан қандай кетаётганлиги таҳлил қилинган. Бу йўналишнинг айрим қисмларини тўққизта йўналишда ифода этишга ҳаракат қилинган.*

***Калит сўзлар:** иқтисодиёт, Янги Ўзбекистон, стратегия, тараққиёт йўналиши, режалар, дастурлар, “Йўл хариталари”.*

Кириш. Мавзунинг долзарблиги. Ўзбекистонда шаклланган тараққиёт стереотипи натижасида ўзгартираётганлигини нафақат сиёсатшунослар ва Ғарб дунёси, балки бутун сайёрамизнинг кенг жамоатчилиги тан олмоқда. Бунинг муаллифи мамлакат Президенти Ш.М.Мирзиёев ташаббуси ва бевосита раҳбарлиги остида амалга оширилаётган кенг кўламли ислохотлар натижасидир. Маълумки, 2016 йил сентябрь ойидан бошлаб кундалик ҳаётнинг барча жабҳаларида ва жамият тараққиётида сезиларли ўзгаришлар рўй берди. Қисқа тарихий давр мобайнида кўп йиллар давомида ҳал қилинмаган, мамлакат иқтисодий тараққиётига катта тўси бўлиб қилаётган муаммо-ларни узил-кесил ҳал қилишга эришди. Натижада мамлакатда ишлаб чиқариш кучларининг жадал ривожланиши учун реал шароит юзага келди. Шу тариқа Янги Ўзбекистон иқтисодиётини янгича йўлга тушиб олишига замин яратилди ва бу йўлдан

қандай кетаётганлигини тадқиқ қилиш ўта долзарб масалалардан бири ҳисобланади.

Таҳлил ва натижалар. Бундай ислохотлар йўналиши халқаро ҳамжамиятнинг Ўзбекистонга бўлган қарашларини тубдан ўзгартирди ва унинг халқаро нуфузини сезиларли даражада оширди. Биз истиқболга назар ташлар эканмиз, мамлакатимизда олиб борилаётган сиёсат нафақат Ўзбекистоннинг, балки бутун Марказий Осиё минтақасининг ва қўшни давлатларнинг ривожланиши ҳамда равнақи учун ўта муҳим ижобий ҳолат эканлигига гувоҳ бўламиз. Бундай иқтисодий тараққиётнинг аҳамиятига айрим изоҳлар бермоқчимиз.

Биринчидан, эътироф этиш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш.М.Мирзиёевнинг 2016 йил сентябрдан то шу кунгача қилган барча нутқлари ва мурожаатлари шундан далолат берадики, уларда жамият ҳаётининг барча соҳаларидаги ишларнинг ҳолатини танқидий таҳлил қилиш, аниқ далилларга асосланиб, йиллар мобайнида тўпланиб қолган муаммоларни ҳал қилиш ва шаклланган ўзимизга хос бўлган бой тажрибалардан фойдаланган ҳолда мамлакатимизни ривожлантиришнинг устувор вазифаларига қаратиб келмоқда.

Иккинчидан, мамлакатни ривожлантиришга, қаратилган дастур ва вазифалар аниқ дадилларга таянган ҳолда, оддий фуқаролар тушунадиган тилда ва уларнинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилмоқда. Бунда бирорта ҳудуд ёки бирорта соҳа эътибордан четда қолган эмас. Қўйилган вазифаларнинг бажарилишига ҳукумат, барча вазирликлар, ҳудудий ҳокимликлар, секторлар раҳбарлари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари тўлиқ жалб қилинган. Ҳозир халқ билан мутасаддилар ўртасидаги муносабатларда мавжуд камчиликлар ва муаммолар ҳақида очиқ-ойдин гапирилмоқда ва улар бевосита жойнинг ўзида ҳал қилиб берилмоқда. Ушбу тактика мамлакат ижтимоий-иқтисодий тараққиётини, унинг барқарорлиги ва рақобатбардошлигини таъминлашда муҳим роль ўйнади.

Учинчидан, ҳозирги пайтда барча қабул қилинган стратегик режа ва дастурлар давлатнинг келгуси ривожланишининг энг долзарб муаммолари, жамият ҳаётининг барча соҳаларини такомиллаштириш заруратидан келиб чиқиб, асосий эътиборни таълим ва тарбия соҳасини ривожлантиришга, илм-фаннинг нитижадорлигини оширишга, соғлиқни сақлаш ишларини тубдан ўнглашга, маданият ва санъатга, спортни ривожлантириш орқали ёшларни ҳар томонлама етук ва чуқур билимга эга бўлишлигини таъминлашга қаратилмоқда. Шу билан бирга хорижий тилларни ва замонавий ахборот-коммуникация технологияларини пухта эгаллашлари ҳақида ҳам тегишли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Тўртинчидан, ислоҳотлар самарадорлигини ошириш, аҳоли турмуш даражасини юксалтириш, мамлакатда тинч ва барқарор вазиятни таъминлашнинг асосий кафолати сифатида қонун устуворлигини таъминлаш зарурлигига ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда. Ҳуқуқий муносабатларда ҳалигача ечимини кутаётган муаммолар кўплиги бевосита фуқаролар томонидан келиб тушаётган шикоятлар ва аризалар-нинг мавжудлиги ва буларнинг ҳам кўплиги билан боғлиқ. Ушбу муаммоларнинг мавжудлигинидан келиб чиқиб, суд ишларини адолатли юритишнинг асосий шарти адолатли ёндошиш орқали томонларнинг тенглигини таъминлаш мақсадида адвокатлик соҳасида ҳам ислоҳотларни амалга ошириб, уларнинг ўрни ва ролини кўтариш, ваколатларини кенгайтириш масаласи ҳам ҳал бўлди ва бўлмоқда.

Бешинчидан, юқоридаги вазифа ва чора-тадбирларни амалга оширишда “кучли давлатдан – кучли фуқаролик жамияти сари” концепциясини фаол давом эттирилмоқда. Шу сабабли, маҳалланинг ва сиёсий партияларнинг роли, ҳуқуқ ва ваколатларини кучайтириш, маҳалла фуқаролар йиғинлари раҳбарлари ва ходимларининг касбий маҳоратини ошириш, нодавлат-нотижорат ташкилотларини (ННТ) фаоллаштириш орқали одамларнинг фикри, дунёқарашини босқичма-босқич ўзгартириш ҳамда уларнинг назорат ҳуқуқларини кенгайтириш масаласи ҳам амалга

оширилмоқда. Маҳалла институти ва ННТ адолат тарозисига айланиши керак, деган ғоя майдонга ташланди. Чугки, буларнинг жамият барқарорлигини таъминлашдаги ўрни ва роли катта.

Олтинчидан, МДХ ва узоқ хориж давлатлари билан холис сиёсат юритиш, қонун устуворлигини таъминлаш, амалга оширилаётган ислохотлар самарадорлигига эришиш, тинч ва осуда ҳаёт, барқарорлик гарови сифатида аҳоли турмуш даражасини ошириш муаммоларини ҳал қилиш ҳам мамлакатимиз сиёсатининг кун тартибида давом этмоқда. Барча мамлакатлар билан ўзаро манфаатли ҳамкорликни йўлга қўйиш орқали халқаро майдонда ҳам Ўзбекистон ўзининг ўрнини янада мустаҳкамлаб бормоқда.

Еттинчидан, мамлакатимизда стратегик мақсадлардан бирига айланган **“Халқ давлат органларига эмас, балки давлат органлари халқ учун хизмат қилиши керак”** деган олижаноб тамойил асосида иш юритилмоқда. Бунда оддий одамларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг долзарб муаммоларини тез ва ўз вақтида ҳал этиш нуқтаи назаридан, Президент раҳбарлар зиммасига оддий одамлар билан уларнинг тилида гаплашишлари, уларни эътибор бериб тинглашлари ҳамда муаммоларини имкон қадар ҳал қилиш вазифаларини юклатилган. Мамлакатимизда фуқароларнинг ҳаётий муаммоларини ҳал қилиш давлатнинг халқ олдидаги асосий мажбуриятларидан бири сифатида қаралмоқда. Бу эса аҳолининг мурожаатлари ва уларнинг ечими, халқ билан алоқаларига асосланган ҳолда раҳбарнинг фаолиятини баҳолаш каби муҳим вазифаларнинг амалий ҳаётга татбиқ этилиши юқоридаги принципнинг амалий ифодасидир.

Саккизинчидан, мамлакатимизда давлатларлар ўртасидаги ишонч ва ҳамкорликка путур етказадиган геосиёсий манфаатларнинг қарама-қаршилиги, зиддиятлар ва рақобатнинг кучайиши, глобал иқтисодий инқироз ва жаҳон бозорларининг беқарорлиги, мамлакатнинг иқтисодий ривожланишига таъсир қилувчи энергия манбалари нархларининг

пасайиши ва табиий ресурслар туфайли ҳарбий-сиёсий курашлар рўй бериши, беқарор вазиятни келтириб чиқараётган жаҳон иқтисодиётининг глобаллашуви, жиноятчилик, одам савдоси, терроризмнинг кўпайишига олиб келадиган аҳоли миграциясининг ўсиши, диний экстремизм, наркобизнес, хавфли юқумли касалликлар тарқалишига ҳам эътибор қаратилиб келинмоқда. Коррупция, маҳаллийчилик ва “оммавий маданият” таъсири каби муаммоларга алоҳида эътибор берилмоқда. Қатор муаммолар таркибида ахборот-коммуникация тизимининг хавфсизлигини кучайтириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар зарурлиги масаласига ҳам алоҳида аҳамият берилмоқда.

Тўққизинчидан, узоқ йиллардан буён йиғилиб қолган муаммоларни ҳал қилишда Президентнинг кўрсатган ташаббускорлиги ва қатъий иродаси мамлакатимиз аҳолиси, хорижлик ҳамкорларда муаммоларни ҳал қилишга ҳамда мамлакатни ривожланишнинг янги йўлига бошлаб боришига ишонч пайдо қилди. Бу йўл муқаррар равишда Ўзбекистон халқининг кўп асрлик орқада қолишини баратараф этиш, олдинги шон-шарафини тиклаш ва жаҳон ҳамжамиятида муносиб ўрин эгаллашига имкон берди.

Хулоса қилиб айтганда, Янги Ўзбекистон иқтисодиёти янги йўлга тушиб олди. Бунинг асосий мақсади аҳолининг фаровонлигини ошириш учун қўшни ва узоқ давлатлар билан икки томонлама манфаатли иқтисодий ҳамкорликни йўлга қўйиш, давлатимизнинг тинч ва барқарор тараққиётини таъминлашга қаратилган.

Адабиётлар рўйхати.

1. . Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 11 сентябрда ПФ-158-сонли «ЎЗБЕКИСТОН — 2030» стратегияси тўғрисида”ги фармони. LexUZ шарҳи.
2. Шавкат Мирзиёев Янги Ўзбекистон Стратегияси. – Т.: “O’zbekiston” нашриёти, 2021. – 464 бет.

3. Пардаев М.Қ., О.М.Пардаев, Т.Х.Мамасоатов, Модернизация, диверсификация ва инновация – иқтисодий ўсишнинг муҳим омиллари. – Т.: “Наврўз” нашриёти, 2014. – 104 бет.,

4. Пардаев М.Қ., Пардаева О.М., Пардаев О.М. Иқтисодиётни стратегик ривожлантиришнинг инновацион моделлари. Монография. / – Т.: “Fan va texnologiyalar nashriyot-matbaa uyi”, 2022. – 228 бет.

5. Mamayunus Pardaev, Ozoda Pardaeva, Obid Pardaev Innovative models of Synergistic efficiency. LAMBERT academic Publishing, 2022. – 109 p. – 6,8 б.т. https://www.lap-publishing.com/cover_playgrounds/oiancevskaia